



Хазрат Навоий ҳамда бир навоийшуносга багишланади.

1

Маликанинг «кетаман» деганига парво килмабмиз — на мен, на Жаноб. Парво килгулик холатда эмас эдик: ўйин-кулги, сармастлик. Янги йил кирган, янги йил бошланган. Ёш умрнинг яна бир йили, узундан-узук. Шунинг дастлабки кечаси, бир кечагинаси. Ялдо кеча, ялло кеча. Вакт дегани, соат миллари гўё бир нуктада тўхтаб колган — ёшликка, ёшлик завқларига махлиё. Кўшик айтиб чарчамаймиз, тинглаб чарчамаймиз, томоқлар бўгилмайди, бош огримайди, иргишлайвериб толмас оёқлар баттар хуружу хумор килади. Майли, вақт ўтса ўтаверсин, олдинда мўл. Факатгина тонг отмаса — бас.

— Ойим дори ичиб ўтирган бўлсалар керак, мен кетдим!

Кўчага чикканимизда дунёни кор босган эди. Тўзон, туман. Бир кадам нарини кўз илгамайди. Шу киёматда Ялангочга етиб бориш керак. Илож йўқ, ойиси дори ичиб ўтирибди. Яна бирпасгина кутса-ку олам гулистон эди — хадемай тонг отади. Ана ўшанда дори ичадими, сирками — кўнгли тортгани. Инжик, бесабр хотин экан. Онасини кўргину кизини ол. Йўқ, Малика... яхши барибир!

Жаноб Маликанинг тўрвасини (Янги йил базмига сомса пишириб келган эди) кўтариб олган. Хушомад. Садокатли ит. Хира пашша. Хам гашим келади, хам кулгим кистайди: зарурга-ку зарур, кудагай хола, сизга нима зарур?

Шунака бир аломат тоифа бор. Доимо эргашиб, суйкалишиб юради. Соя, шарпа. Ўзи мустакил холда бирон ишнинг уддасидан чиқолмайди. Севиб-севолмайди, кетиб-кетолмайди. Мудом бировларнинг маъшукасига кўз тиккани тиккан. Кулгили ва аянчли жойи шундаки, гохида ўша ошиқ-маъшуклар ўртасида воситачилик хам килади: гап ташиш, хат-пат дегандек. Окибат — пинхона умидлар билан юра-юра, догда қолиб кетади. Бечора Жаноб! Кўлида каттакон тўрва, машина тутаман деб елиб-югуришини каранг. Жони жабборники. Майли, юзта жони бўлса, бари-бари ўшанинг, яъни— Маликанинг йўлида нисор! Шу қилиқларини юзига солсангиз, «Сен учун-да, жўра! Бирга ўқиймиз-ку, жўра!» дейди ерга караб. Мехрибон жўра, шум рақиб!

Кор кўйнида, харир-кўкиш тўзон ичра хира милтиллаган учта чирок базўр судралиб келаётир. Нихоят! Иккитаси ер бағирлаган, учинчиси тепарокда. Икки кўлида иккита дур, пешонасида олтин жига...

Жаноб йўлнинг ўртасига чиқиб фидойиларча туриб олади.

Кўк белбогли сарик машина, милисанинг машинаси. Ичида икки одам, хокимият вакиллари — ёнламасию кўндалангига камар таккан, елкаларида заррин тасма, пешонада тўга, мис тўга... Худо урди!

Жаноб тап тортмайди. Ановинака ашё-анжомлардан унда йўк, албатта, лекин гурури ўзига яраша, тил-жагдан ҳам худо кисмаган. Бир ёкда Маликанинг олдида мулзамлик, боз устига ўлгудек совкотиб кетяпти.

- Янги йил муборак, таксирлар!
- Куллуқ, куллуқ.
- Бизларни лутфан Ялангочга олиб бориб ташланглар, илтимос.
- Кизилидан битта бўладими? . — Инсоф килинг-да, таксир!
- Эшикни ёп! Таксиир!..

Хайрият, савдомизни Малика эшитмайди. У бозор жойидан нарироқда — бекатда кунишибгина, мушфик бир киёфада турибди. Ўн сўм эмиш-а! Ўн сўмга ўн марта бориб келса бўлар Ялангочга. Шу тобда иккаламизнинг чўнтагимизни кокиштириб караганда ҳам ўн сўмга етиши гумон. Ўзимизни кўшиб хисоблаганда ҳам. Айникса, хозир, шу юпун, миркуруқ холимизда. Лекин — кўнгил кургур осмони фалакда, осмон баробар гуруру даъвога тўла. Киздан пул сўрамок — гунохи азим, ўлимнинг ўзгинаси. Биримиз шоиру биримиз Жаноб бўлсак! Яна денг — иккаламиз ҳам ошик. Биримиз ошкора, биримиз пинхона. Чўнтаклар бу ахвол. Маъшука бекатда совуқдан дийдираб турибди. Ойиси уйда дори билан сувнинг нисбатини чамалаяпти. Ўжар, ўзбошимча киз эса, хушторлари бўлмиш икки ландавурнинг ношудлигига чидаб, корбўрон кечаси аллакаёқларда тентираб юрибди.

Кўп ўтмай бошка бир машина кўринади.

- Беш сўмингни чаккангга ёпиштир, ука! Ялангоч дунёнинг кетида-ю!
- Кўчада коровуллик килаётганимизга бир соатлар бўлай деяпти. Яна андак чидаб берсак тонг отади. Маликамизнинг кўзига кўринмаслик учун иккаламиз йўлнинг икки ёқасига гўёки аркон тутганмиз.

Яна бир машина. Олдинги ўриндикларда пўстинга ўранган икки йигит. Жаноб жонхолатда ойнага ёпишиб, ёлворади:

- Жон огайнилар, илтимос!..

Инсоф дегани бор экан-ку!

Апил-тапил кириб машинага ўрнашамиз. Икки пўстин ўзаро гўнгир-гўнгир килади.

Гаплари кулогимизга кирмайди — изгирин этни увада, устихонларни илма-тешиқ килган.

Маликанинг кўлини кафтларим орасига олганман: муз, бармоклари зириллайди.

- Кайси томонга, акахонлар? — деб сўрайди пўстинлардан бирови.
- Айтдик-ку, Ялангоч тарафга!
- Булар-чи?
- Ўша ёкка.
- Сизлар-чи?..

Машина негадир йўл ёқасида тўхтади. Гап сўраган пўстинли Жанобдан «бир минутга» чиқишни илтимос килади. Улар сал нари кетиб, нима ҳақдадир сўзлаша бошлайди. Бир махал эшиқ шартта очилиб, Жаноб кўлимдан тортади:

- Тушинглар! Тез! Бу машинада кетмаймиз!

Малика икковимиз ханг-манг бўлиб машинадан тушамиз. Машина шу захоти кийим-бошимизга кор аралаш шалток сочиб шиддат билан жўнаб кўяди.

- Нима бўлди ўзи? — дейман гангиб.

Жаноб мени четрокка бошлайди.

- Бизларни, сен билан мени уй-уйимизга олиб бориб кўймокчи...
- Нега... Малика-чи?

— Уни... уни.. — Жаноб юзини четга буради. — «Биз опкетайлик», дейди мараз! Баттар, товонимга қадар музлаб кетаман. Алам, тахир ва совукдан дод деб юборгим келади. Кани, овоз чикса! Чикканида ким эшитарди? Эшитганда нима! Енди машина кутиш бефойда. Маликани ўртага олиб чор-ночор яёв йўлга тушамиз. Йўл тойгоқ, манзил узок. Бир-биримизга суянишиб кетиб боряпмиз. Сўз йўқ, садо йўқ. Совукданми, чарчокданми, шу қадар қарахт бўлиб қолибмизки, аллақандай машина ёнгинамизга келиб тўхтаганини ҳам пайкамабмиз. Кордек оппок «Волга».

— Йўл бўлсин, ёшлар?

Умидсиз, хафсаласизлик билан, аммо учаламиз ба-авар жавоб берамиз:

— Ялангочга.

— Ўтиринглар.

Тушимизми бу, ўнгимиз? Ишонар-ишонмас машинага қирамиз. Ичкарида, хайдовчининг биқинида бир жувон ҳам бор экан. Эгнида корқизлар қиядиган ёқа-енги пахмок пўстинча, бошини ихчамгина қилиб оқ шолрўмол билан тангиб олган.

— Яхшимисизлар? Янги йилинлар билан! — деб қўяди у эшитилар-ешитилмас овозда. Хижолатдан шоша-пиша биз ҳам уларни байрам билан қутлаган бўламиз.

Машина секин қор кечиб жилади. Иссиқдан аъзойи баданларимизга жон оралай бошлайди. Орқадаги кўринмас қарнайлардан ўйчан бир наво таралмоқда. Танбур. Хушбўй атир хиди... Жаноб иккаламизнинг ҳам хаёлимизда бир ўй: бу рохат-фарогат хали қанчага тушаркан? Қамида юз сўм сўрайди-ёв. Майли, Маликани уйига элтиб қўяйлик, қолгани бир гап бўлар. Бор-будимизни қоқиштириб берамиз. Беш сўм ҳам чикмаса керак. Сўқа-сўқа тушириб юборар. Бу ёғи тонг яқин, ўлиб қолмасмиз. Ўлиб қолсак ҳам Малика кўрмас. Унамаса, изза қиламиз, ёнидаги жувондан уялар. Аёл қишининг олдида биздака қашшоқ талабалар билан савдолашиб ўтирмас, ўлдими! Хушрўй жувонга ўхшайди. Маъшукасимикан? Ўзи қари-қу, ўттиз бешларда бор... Бўлмаса қими? Қайси ахмок байрам кечаси хотинини бундай даврон қилиб машинага солиб юради?! Тўпори Жаноб, ҳеч қутилмаганда, эхтиросли товуш билан байтхонлигини бошлаб қолади: Ошиқ ўлдум, билмадим, ёр ўзгаларга ёр эмиш,

Оллох-оллох, ишқ аро мундоғ балолар бор эмиш...

Тун. Қор. Машина шаҳар маркази бўйлаб охиста елади. Икки ёнда, бошлар узра рангин чироклар силсиласи. Биз тушган кема ана шу турфа ёғдулар бағрида сузиб бораётир. Қулоқлар остида танбур навоси. Тантанавор бир намойиш. Олдинда бир жуфт ошиқ-маъшук, орқада бир жуфт. Биргина одам ортиқча. Лекин бу сафар базмини, бу фусунқорликни шу қимсаннинг дардли овози, ўқиётган оташин мисралари уйғунлаштириб, обод этиб турибди.

Ўртанурмен, қўнглига андин асар бўлгайму деб,

Бўлса таъсир, анга холимдин хабар бўлгайму деб...

Билдик, Маликанинг олдида ўзларини кўрсатмоқчи! Изхори муҳаббат, очик-ошқор! Қарасам, ҳаддидан ошяпти, тобора хиралашиб кетяпман. Ёдаки бисотимни қавлаштириб, «Санго-манго» лақабли домламиз тазйик остида ўргатган газаллардан айни шу вазиятда қинойомузрок жаранглайдиган бир байти хаёлимга келади:

Ишқ айлади юз оқилу фарзонани расво,

Не айб, агар қилди бу девонани расво.

Шу тарика зимдан қураш бошланади: сен зўрми, мен зўр? Малика, ўзинг баҳола! Малика эса таажжубда: бир бало бўлганми буларга, фавқуллодда газалхонлик, бегона бировнинг машинасида!..

«Бегоналар»га бизнинг бу килигимиз негадир эриш туюлмади, далда берган каби жувон караб-караб кўяди. Чамаси, бу хол уларнинг ҳам кўнглига хамоханг. Сираси, биз — икки талабгор хозир истихола нималигини билмасдик. Кўр эдик, кар эдик. Бизнинг илохимиз хозир — яккаш мухаббат, байт, газал, кўшик. Бунга эса айти тобда ҳамма нарса мухайё эди.

— Ке, энди «жон» пайровига ўтамиз, — дейди оташин киёфага кирган Жаноб. Шох байтлар. Навоий бобо кулогимизга шивирлаб турибди.

Жаноб бошлайди:

Жонга йўк кўнглумдину кўнглумга йўк жондин хабар,

Менга не ўздин хабар, не кўнглум олгондин хабар.

Мен курсимиздаги Сафар нўноккача ҳамма ёд биладиган машхур байтни шафе келтираман:

Жисм айларму фиғон, бўлгоч нафас жондин жудо,

Айлагил ондин жудо, килгунча жонондин жудо.

Жаноб тап-тайёр:

Жонга зулмунгни нечаким кўнглунг истар, онча кил,

Мен чека олгонча демон, сен кила олгонча кил.

Навбат меники. Аммо хадеганда мендан садо чикавермагач, яккам-дуккам бисотим адо бўлганини сезиб, ракибим мушоира майдонида ёлгиз колади. Баттар авжу тантана килади у:

Мехр кўп кўргуздим, аммо мехрибоне топмадим,

Жон базе килдим фидо, оромижоне топмадим.

Шунда мен ҳам бўш келмасликка тиришаман:

Жонимдин ўзга ёри вафодор топмадим,

Кўнглумдин ўзга махрами асрор топмадим.

— Э, хўш-е, саломат бўлгайлар! — дейди Жаноб тирсагимдан чимдиб. — Мирзо Бобур-ку бу!

— Навоийники эмасми?

Жанобнинг жигибийрони чиқади:

— Навоий деганинг нимаси! Табаррук зотларнинг номларини ток айтиб бўлмади.

Шаккокликка ётади бу. Низомиддин Мир Алишери Навоий, мухтасаррок айтиш лозим бўлганда — мавлоно ёки хазрати Навоий деган маъкул.

— Маъкул, маъкул, — деб кўяман иримиға, бемаврид бу сабоқдан ансам котиб.

Биз бугун йигирма биринчи аср бўсагасида турибмиз. Ўтган асрлар адабиётиё уларнинг намояндалари олисда қолиб кетган. Биз энди Лорка, Хименес, Уитмен, Неруда рухида яшамокка ошиқамиз. «Навоий замонида қолиб кетган» ёлгиз одам курсимизда мана шу — Жаноб, Жанобиддин Сайфиддинов; лақаби — Жанобиддин Савдойи ёки жаноб Жаноб. У ҳамон Навоий замонида яшайди, ўша қадим Хирот мухитидан нафас олади. Шундан, гап-сўзлари одамга эришрок, ўзи ҳам пича савдойирок туюлади. (Қайдам, ўз навбатида биз унинг назарида хавойиларга ўхшаб кўринсак керак.) Кизларимиз уни очикдан-очик «ненормалний» деб атайди, биз эса масхара аралаш — «навоийшунос».

Дархақиқат, унинг гапирган гапи — Навоий, Навоийга доир бирон янгилик топмаган кунни дарсга келмайди. «Менга колса, хазрати Навоийни ўқиганга — номзодлик, укканга докторлик унвонини берардим, — дейди. Кейин ўзича куюниб, комил ишонч билан таъкидлайди: — Токи ул зотни ўқимас экан, укмас экан, бу халк одам бўлмайди». Бирор нимадан нолиб, хасрат килсангиз ёки бесабаб, бемаврид суюнсангиз — хуллас, унга

шархи дил айласангиз, мудом бир хил, кискагина маслахат оласиз: «Хазрати Навоийни мутолаа килинг, хамма жавобни ўша кишидан топасиз». У туриб-туриб, масалан, оламшумул бир жиддият билан гапириб қолади: «Кеча тун бўйи камина ўзимча фикр этдим ва шундай хулосага келдимки, Навоий хазратлари одам боласи эмас эканлар...» «Ие-ие, бу нима деганинг?» «Авлиё эканлар, пайгамбар! Негаким, оддий одам боласининг кувваи иктидори бунчаликка кодир бўлмас. Йўк, ишонмайман, харгиз!» Биз, оддий одам болалари, хали айтилганидек, дарсда Навоийни ўтиб бўлганмиз, Жаноб эса хамон ўша мухит, ўша мавзулар билан машгул: курс иши, эски-туски кўлёмалар, илмий жамият, навоийшунослар йигини... Кандайдир тўпламда бир-иккита кичик-кичик маколалари чикиб, «Санго-манго» домламининг якин маслахатгўйига айланди, курсда хам бирмунча обрў қозонгандек бўлди.

Бизни боглаб турган нарса — у билан иккаламиз бир юртданмиз, бирга ўқиймиз, кейин... йўк, бу бизни боглаб турмасди, бизни ўзаро рақибга айлантирган эди. Мана, шу байтбаракнинг мазмунидан хам аён.

Уни деб шунчалик жангу мухораба кетяпти-ю, Маликанинг парвойи фалак, тўғрироги, хаёли бошка ёқда: ойиси бор дориларини ичиб битирмай уйга етсам дейди...

Манзилга етганимизда кизик бўлди. Маликаларнинг торқўчаси бошида машинадан тушиб, Жаноб икковимиз иймана-иймана чўнтақларимизни титкилаётган эдик, машинанинг эгаси кўл силтади:

— Кўйинглар-кўйинглар, керакмас!

Бизнинг ўзи қурук «рахмат»дан бўлак ҳеч вақомиз йўқ эди.

— Ўзларингга раҳмат. Омон бўлинглар, — деди у машинасини изига буриб оларкан. — Навоийни... хазрат Навоийни унутмаган ўзбек болаларидан пул олсак, уят бўлар, гуноҳ! Шунака эмасми?

Учаламиз кўча бошида серрайиб туриб коддик.

— Ана, қаранглар, — деди Жаноб ҳаяжон билан, — хазрати Навоийнинг руҳи поклари бизни қўллади!

Афсуски, бундан бу ёғига уни ҳеч кимнинг руҳи қўлламади: Малика менга майл билдиргани кўриниб турар, уни энди бир ўзим қузатишим лозим эди. Шунда, хайрлашув палласи Жаноб икковимиз бир дақиқа бир-биримизга тикилиб, боя бошлаган мушоирамизни хаёлан яқунлаган бўлдик.

Жаноб:

«Вою юз минг войким, тарки муҳаббат қилди ёр,
Билмайин қолдим мену қилмай хабар айрилди ёр».

Мен:

«Хилди душман раҳм баским, қилди жавр изхор дўст,
Эй қўнгул, душман топ эмди, тутмагил зинхор дўст».

- Жаноб:

«Қўнглунг истар ёрлар бирла хамиша шод бўл,
Мендину қимдинки, қўнглунг истамас, озод бўл».

2

Мен Малика билан яқинлашган сари Жаноб мандан узоклашарди. Мандангина эмас, жамоатдан хам. Ҳеч кимга аралашмайдиган одамови, яккамоҳовга ўхшаб қолди. Энди кўрган-кўришганда совуқкина салом-алиқ қилардик, ҳолос. Бу орада ўқишларни

битирдик, кўча-кўчасини топиб хар ким хар ёкка тўзиб кетди. Юртдошлик, курсдошлик хурмати, бир пайтлардаги чатиш хотиралар хакки, атайин хабар юборганимга карамай, Жаноб тўйимизга келмади. Балки тўгри килгандир, унинг ўрнида мен бўлганимда ҳам бормас эдим.

Шу тарика бегоналашиб, Жанобиддин менинг, Малика иккимизнинг хаётимиздан гўё чикиб кетди. Худди ўзаро келишиб олгандек, умумий бир гунохимиздек, уни эсламай ҳам кўйдик. Айтишларича, шаркшунослик институтида юрганмиш. Эски кўлёмаларнинг чангини артиб. Узок йили кайси бир жамоат йигинида кўрдим ҳам. Кўзойнак такиб олибди. Фан номзоди. Навоийшуносликка оид бахсталаб мавзуларда шархлари чикиб туради. Шу борада шов-шувли бир масалани кўзгаб юргани ҳам кулогимга чалинган эди. Уйланмади. Эшитишимча, «Хазрати Навоий тутган йўриқдан бориб, ток ўтмокни ихтиёр этдим», дер эмиш...

Кейин — мана шу хабар...

3

...Ўша куни у кечки рейс билан Самаркандга учиши керак экан. Кўлида Навоий даврига оид кашфиёт даражасида мухим хужжат, навоийшунослар анжуманида катнашиши, маъруза килиши лозим. Илмий сессия эртага эрталаб иш бошлайди.

Лекин аэропортда нима хамдир бўлади-ю, самолётга чикиш олдидан «Кечикдингиз, одам тўлиб колди» деган бахона билан уни рейсдан колдириб юборадилар. Бу сўнгги рейс экан. Аламига чидаёлмаган навоийшунос тўполон кўтаради, йўлини тўсган халиги маъмур билан жиккамушт бўлишгача боради. Можарога шу атрофда айланиб, жамоат ўртасида тартиб ўрнатиб юрган милитсия капитани аралашади. Машгулот топилганидан кувониб, у шартта келиб навоийшуноснинг кўлини кайириб олади. Тартиббузарни хосхонасига элтиб, хужжатларини текширади, сўрок килган бўлади. Гап-сўзлари бирмунча хавойирок туюлганига карамай, дарду даъвосини эшитгач, юмшайди, юпатади: «Хечкиси йўк, огайни. Бунакаси бўлиб туради бизда. Бирортасини шошилиш учуриб юбориш керак бўлгандир-да. Сизга маслахат: бу кеча уйга бориб маза килиб дамнингизни олинг. Эртага азонлаб келсангиз, мен ўзим тонгги рейс билан жўнатиб юбораман».

Бу ваъдани омонат чўнтагига жойлаб сал-пал ховуридан тушган навоийшунос, капитаннинг хузуридан чиккач, ўйлаб боши котади. Ижара уйи шахарнинг нариги чеккасида, азонлаб бу ерга етиб келмоги даргумон. Боз устига хўжайкаси билан айтишиб қолиб, бошка жойга кўчмокчи, уч кундан бери эса бир талаба хамкишлогининг каталагида тунаб юрибди. Шўппайиб бу кеч хам кириб бориши нокулай — эрталаб хайрлашиб чиккан.

Дафъатан хаёлида бир фикр тугилиб, аэропортнинг бикинидаги баланд бинога караб юради. Бир хисобда самолётдан қолиб кетгани фойдага. Бу кеча шу ерда бафуржа ўтириб кўлидаги когозларни саранжомлайди, анжуманда баён этажак мулохазаларини пухталаб олади...

Качон, кайси мехмонхонада бўш жой бўлган?! Аммо, навоийшунос хиралик килиб ёпишиб олгач, маъмур хотин ийгандек бўлиб унинг паспортини вараклаб кўради-ю, башарасига отиб юборади: «Пропискангиз шахарда-ку, боринг, уйингизга бориб ётинг!»

Масаланинг бу жихатини ўйлаб кўрмаган навоийшунос саросимада қолади. Кейин зўр бериб ялинмокка тушади. Фойда чикмагач, дўк-сиёсатга ўтади. Маъмур хотин хам бўш келмайди, тахдид чорасини кўллайди: «Хозирок бу ердан даф бўлмасанг, милиса

чакираман!» «Милисани мен ўзим чакираман», дейди навоийшунос кўнглида бир илинж билан ва мехмонхонадан чикиб бояги маслахатгўйининг олдига югуради. Капитанга ахволни тушунтириб, «Мехмонхонага сим кокиб, бир кечага жой олиб беринг, таксир, — дея илтимос килади. — Навоийшуносликка хисса кўшган бўласиз».

Капитан нимадандир диккат бўлиб ўтирган эканми, боядан бери кимматли вақтини ўгрилаб безор килган бу нусханинг ўзини тутиши, гап-сўзлари энди шубхалирок туюлиб, ижирганиш билан сўрайди: «Нималар деяпсиз ўзи, огайни? Канака навоийшунослик?» «Шеър, газал деганини тушунасизми ўзи? — дейди навоийшунос унинг беписанд охангидан ранжиб. — Мир Алишер Навоий деган зотни эшитганмисиз?» «Ха, «Муножот»ни ёзганми?» Навоийшунос бу гапга сал тиришади-ю, сир бой бермай: «Мана, у киши нима дебдилар...» дея газал ўкимокка киришади.

Шеър оханги таъсир киладими ё оми кўрингиси келмайдими, капитан: «Бизнинг улугимиз хам ёзадилар, у киши кўшик ёзадилар! — дейди фахр-ифтихор билан ва тортмасидан пиёзнинг пўстидек юпкагина бир китобча олиб, меҳр билан авайлаб столга кўяди: — Мана, у кишининг китоблари! Айникса, битта кўшиклари бор, зўр! Эшитгандирсиз, «О-о, кечалар...» деб айтади».

«Ха энди, сизнинг улугингиз каёкдаю хазрати Навоий каёкда! — дейди навоийшунос, дарди-холи эсида йўк, астойдил бахсга киришиб. — Унакалар бутун бор — эртага йўк. Ўтади-кетди. Хазрати Навоий эса... Мана, кулок солинг...»

Хазрат Навоийнинг даври ўтган, бугун ўзгача даврон экан. Капитан ана шу давроннинг фидойи, кўру кар гумашталаридан эди. У кўшикнавис улугининг мухлиси, мухлиси не, садокатли кули, саноксиз миргазабларидан бири эди. Бир муддат одамшаванда бўлиб кўринган бу кимса, миргазаблиги эсига тушиб, яна аслига кайтади. Якин бир соатдан буён бошини котираётган мана бу телбанамонинг андишасизлигига аччиги келади. Ўзидан пастрок бир миргазабга буюрадики, бу шаккокни анови хонага олиб кириб бошлаб адабини берсалар, то улугнинг улугвор кўшикларига хамнавоз бўлмагунича дарраласалар...

«Кимсани дард ахли деб, сирримга махрам айладим,
Ўз-ўзумни куч билан расвои олам айладим».

Шаккок болтадан кайтмайдиган хилидан бўлиб чикади. Хаммаёғи мўматалок, огзи-бурни кон холига, бояги лафзини кўймайди: «Улугинг шоир-поир эмас, ўткинчи! Ўшанга сизинг сенлар эса — конхўр жаллод!» Кейин ўз-ўзидан совук илжайиб байт ўқийдими-ей, газал ўқийдими-ей...

«Дахрдин меҳру вафо килма хавас,
Елидин гайри жафо килма хавас».

Хибсхонага ок халат кийган иккита норгул-норгул йигит кириб келганда шаккок, кўзларида ёши шашкатор, хамон овозини баралла кўйиб газал ўқийётган бўлади. Норгуллар уни таппа ерга босиб, оёк-кўлини боғлашади, аъзойи баданини омбирдек сиккан аллакандай ридога ўраб, «Тез ёрдам» машинасига тикишади.

Шаккок бу ерда беморга айланиб, бир эм билан беш кун кўзини очмай ётади. Олтинчи куни ўзига ке-либ, ховлига ўрмалайди. Каерга тушиб колганини кўриб, хўнг-хўнг йиглайди. Аммо хеч ким парво килмайди, хеч ким хайрон хам бўлмайди. Чунки бу ерда ундан хам каттиқроқ хўнграб йиглайдиганлар сероб экан.

Шу зайл аста-секин ахволига кўникади, бундаги тартиб-коидага бўйсунга бошлайди; ўзига ўхшаган биродарларига араллашиб, элакишиб, байту газаллар ўқиб юради. Улар орасида «Навоий», «шоир» деган лакаблар орттиради. Илк дафъа бундан хабар топганида, яъни

— кимдир «Хў Навой» деб чакирганида у бирдан кўкариб кетади, сўнг шифохонани бошига кўтаргудек тўполон килади. Шунда уни тутиб олиб яна эмлайдилар... Бир куни йўлакда фаррош кампирга пул кистириб, шархи ахволи баён этилган мактубни жўнатишни сўрайди.

Хизматдош хамкасблари ҳеч гапдан беҳабар, унинг Самаркандда бунчалик узок қолиб кетганига ажабланиб, ўша ёқда касал-пасал бўлиб қолдимикан, деган гумон билан юришган экан. Тезда бу ерга етиб келишибди. Ахволни кўриб, аввал хайрон, сўнгра даргазаб бўлишибди: бу қандай шафқатсизлик, бу қандай қабохат! Ўша куниёқ зудлик билан ишхоналаридан ваколатномаю қафолатнома уюштиришибди. Бирок, шифохона маъмурияти бу қогозларни инобатга олмабди: бошқа жойдан бошқа кўрсатма келган экан.

Нихоят, йигирма кунлардан кейингина унга жавоб берилади. Қутилмаганда рухсат теккани боис, ёнида бирга кетадиган ҳеч қим йўқ, ўзи ёлғиз экан.

Оқибати шу бўлибдики, ижара уйига кетаётиб, метронинг охириги бекатига келганда, «Бу ўзимнинг уйим-ку, нега бўшатар эканман?!» дея даъво қилиб туриб олибди...

Яна ўша миргазаблар, яна ўша оқ халатли норполвонлар, яна эм... Кейин...

4

...Дафн маросимидан эзилиб қайтдим.

Шўрликнинг сўрайдиган қиройи қимсаси йўқ — бесойиб; амақисими, тоғаси бор экан, у ҳам етиб келолмади шекилли, шаҳардаги қабристонлардан бирига дафн этилди.

Мозордан қайтишда баъзи бировлар ўлими тафсилотини муҳокама қилишди: ўшандоқ жойда қандай рўй бериши мумкин бундай қодиса, бепарволик, совуққонлик; нахотки, ҳеч қим қўрмаган бўлса; арқонни қаёқдан топди экан... Марҳум Самаркандга олиб жўнаган ўша муҳим ҳужжат ҳақида гап борди, ҳар қил тусмол-тахминлар айтилди, баҳс бўлди: қўлёзма қиндан ҳам қашфиётмиди; қаерда қолди экан; тақдири нима қечди; нахотки, шундай ноёб ҳужжат йўқолган бўлса... Бу борада ҳеч қим тайинли бирор гап айтолмади. Кейин қимдир марҳумнинг феъл-атвориға оид эҳтиётсизроқ бир гап қилган эди, дафн аҳли ўша қишига бараварига ўқрайиб қаради.

5

Уйга қелгач, Маликани кўриб яна безовта бўлдим. Бу қодисани унга айтгим қелаверди. Аммо... қилим қормади. Қелиб-қелиб энди, қашққа ўрин қолмаган бўлса-да (қабохат-ку бу!), айтолмадим. Қўрқдим, нимаданқир қўрқдим. Қануз қўрқаман...

Қелин, ўша қушқдек қорбўрон қечасини ҳаётимиздан ўқириб қашлаб бўлмаслиғига ҳам ақлим етади. Ушанда бизга унутилмас бир қиммат қўрсатқан қимсани эслаб эса қўнқил қасқин топқандек бўлади.

1989